

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 20 сентябрь сешанба № 39 (766)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Хушхабар

Болалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш: Ўзбекистон юқори кўрсаткичда!

ЎА муҳбири хабарига кўра, Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олди.

Бу хушхабарни эшитган ҳар бир юртдошимиз кўнглидан "албатта, шундай бўлиши ҳам керак-да" деган ўй ўтиши табиий. Зеро, бу халқаро эътироф барчамиз кундалик ҳаётимизда гувоҳ бўлиб турганимиз — миллий давлатчилигимизнинг устувор сиёсий йўналиши даражасига кўтаририлган соғлом авлодни тарбиялаш, уларнинг жисмоний ва маънавий етуқлиги, истиқболи ва камолоти ҳақида қайғуриш каби эзгу сайй-харақатларнинг самарасидир. Шунингдек, биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларимиз сари босқич-ма-босқич қадам ташлаётганлигимизни назарда тутадиган бўлсак, келгусида бу борада янада юқсак эътирофларга сазовор бўлоғимиз ва янада баланд марраларга эришишимиз шубҳасиз. Хусусан, матбуотда эълон қилинган маълумотларга кўра, 2006 йил аёллар учун энг яхши шарт-шароитлар яратилган давлатлар рейтингини бўйича Ўзбекистон 125 та мамлакат орасида 19-ўринга, оналиқни ҳимоя қилиш бўйича 27-ўринга эга бўлган. Бу Марказий Осиёдаги энг яхши ва МДХ доирасидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Болаларварлик ҳалқимизга хос бўлган азалий қадриятларимиздан бири бўлиб, бизда миллат келажаги бўлган фарзандлар баркамоллиги, ҳар томонлама соғлом ва етуқлиги ҳамда таълим-тарбиясида алоҳида эътибор билан қаралади. Буюк аجدодларимизнинг ақл-заковати, тафаккури акс этган қадимий "Авесто" китоби, Қобуснома, шунингдек, бошқа тарихий манбаларда ҳам соғлом фарзанд туғилиши, унинг парвариши ва тарбиясига алоҳида урғу берилган.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Оила йили", "Ёшлар йили" каби ҳар йилнинг номиначиси замирида ҳам соғлом авлодни тарбиялашдек улкан мақсад ётибди. Республикаимизда фарзандларимизнинг жисмоний ва руҳий камолоти кенчирилиб бўлмайдиган ўта муҳим вазифа сифатида эътиборга олиниб, унинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Мамлакатимиз бўйлаб "Соғлом бола — соғлом она — соғлом келажақ" дастури умуммиллий ҳаракатга айланган. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни восяга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Шуниси эътиборга молики, ушбу қонун ҳужжатларининг ижроси таъминланишига барча давлат органлари билан бир қаторда кенг жамоатчилик бирдай жалб қилиниб, аҳолининг барча қатламлари ўртасида уларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, "Маҳалла" жағмараси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда олиб борилаётган турли тадбирлар соғлом авлод масаласининг нечоғли дол-

зарб ва аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Мустақилликка эришганимиздан буён, республика Президентини бошчилигида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида оналар ва болалар ўлими 3 барабар, ногирон болалар туғилиши эса деярли 80-90 фоизга камайди. Ер юзининг кўплаб ҳудудларида болалар тўйиб овқат емаслик, турли касаллик, очлик ва қаровсизликдан бевақт оламдан кўз юмаётган бир пайтда ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш модели минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этилгани ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз ғамхўрликни туйғусини уйғотмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, оналар ва болаларга керакли даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар ўн минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги жаҳон рейтингини тўзувчилар томонидан мамлакатимизда бу кўрсаткич ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам халқаро стандартларга тўлиқ мос келиши эътиборга олинди.

Яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз. Мамлакатимизнинг барча жойларида яратилган мухташам тиббиёт мажмуалари, ҳомилдор аёлларни махсус қувватлантирувчи дори-дармонлар билан таъминлаш, аёлларга туғиш пайтида тезкор ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, она ва бола саломатлиги доимий равишда малакали тиббиёт ходимларининг назоратида олиниши ҳамда барча тиббиёт муассасалари энг замонавий техник анжомлар билан жиҳозланиб, махсус автотранспорт билан таъминланганлиги юқоридаги халқаро ташкилот томонидан юқори баҳоланиб, бу кўрсаткичлар бўйича рейтингда тўққизинчи ўринга муносиб топилди. Дунёдаги АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия каби ривожланган бошқа кўпгина давлатлар ҳам бу кўрсаткичга эришолмади.

Жонажон ватанимизда ҳар томонлама соғлом ҳомил инсон таълим-тарбияси борасида давлат миқёсидаги улкан фаолият ҳақида гапирганда, қуйдаги маълумотларни ҳам эслаб ўтмай илож йўқ. Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунёда ҳар ўч кишидан бири ўқиниши билмайди. Жаҳоннинг кўплаб минтақалари ва ўлкаларида таълимга, маърифатга жиддий эътибор берилмаётганлиги сабабли бу рақам йил сайин ошиб бормоқда.

МДХнинг айрим давлатларида ҳам қаровсиз болалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, Россияда ота-онаси ҳаёт бўлса-да, кўчада қолган қаровсиз болалар сони қарийб 700 минг нафарни ташкил қилса, 2 миллионга яқин бола бошпанасиз. Ота-онаси томонидан ташлаб кетилган болалар сони эса ҳар йили 100 минг нафарга кўпаймоқда. Жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам бундай ноҳус мисоллар сони бундан бир неча барабар кўп.

Юртимизда иқтимоий муҳофазага муҳтож болаларга бегараз ёрдам йил сайин ошиб бормоқда. Жамиятимизда турли сабабларга кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш шароити, таълим-тарбияси, ғамхўрлик ва ҳимоясини давлат ўз зиммасига олган. Бу кўз юлиб бўлмас ҳақиқат бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан бир овоздан эътироф қилинмоқда, натижаси шу бўлмоқдаки, Ўзбекистон фарзандлари жаҳон майдонига турли йўналиш ва соҳалардаги истеъдод ва иқтидорларини намойён қилиб, энг юқори шохсупаларни эгаллашмоқда. Ҳа, чиндан кучли давлатнинг фарзандлари ҳам кучли бўлишлари, ҳа, албатта, шундай бўлишлари керак.

Фарида ҚОРАКУЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири



Ғолиблар тақдирланди

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси" республика

танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

ЖАМИЯТДА ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бевосита ҳуқуқий тарғибот ишларининг изчил ташкил этилиши, хусусан, бу борада тарғибот олиб борувчиларнинг маҳорати, билимдонлиги, ташаббускорлигига узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий тарғибот ишларида ана шундай

иштиёқ ва интилиш, ташаббуси билан ибрат кўрсатаётган фидойи тарғиботчиларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб бориш улар сафининг кенгайишига, тарғибот тадбирларининг самарасини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда Адлия вазирлиги ташаббуси

билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган яна бир лойиҳа амалга оширилди.

Адлия вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағмараси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, ОАТ "Туронбанк" ҳамда "Ucell" компанияси ҳамкорлигида "Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси" танлови ўтказилди.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимини Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар масъул ходимлари, нодавлат ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.




Таъкидлаш жоизки, илк маротаба ташкил этилган мазкур танловга мамлакатимизнинг барча ҳудудлари-

дан ҳуқуқий тарғибот билан шуғулланадиган 80 нафарга яқин номзодлардан ҳужжатлар келиб тушган. 6 номинация бўйича ўтказилган ушбу танлов ташкилий қўмитаси қарорига асосан унинг "Жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун", "Ёшлар орасидаги кенг қўламли ҳуқуқий тарғиботга қўшган ҳиссаси учун", "Ҳуқуқий тарғиботдаги фидойилиги учун", "Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб қилганлиги учун", "Ҳуқуқий тарғиботни ташкил қилишдаги яқин ҳамкорлиги учун", "Энг ёш ҳуқуқ тарғиботчиси" номинациялари бўйича жами 21 нафар ғолиб ва совриндорлар аниқланди.



Ғолиблар танлов ташкилотчиларининг махсус дипломи, эсдалик нишони, статуеткаси ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг совғалари билан тақдирланишди, уларга пул мукофоти берилгани ҳам таъкидланди.

Таниқли санъаткорлар ҳамда хонандаларнинг Ватанни мадҳ этувчи куй-



Дилором
МАТКАРИМОВА,
"Инсон ва қонун"
муҳбири

Суратларда: тадбирдан лавҳалар

Концепция: устувор вазифалар

Тирикликнинг теран томири

Экологик назорат ҳаммамиз

ҳамжихат қайғурадиган масала

МАМЛАКАТИМИЗДА экологик муносабатларга онд ўттизга яқин қонун ҳамда 350 дан ортқ қонунности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ва булар амалда қўлланилаётти. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Суви ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ҳаётта изчил татбиқ этилмоқда.

КўПЧИЛИККА аён, собиқ иттифок давридан "мерос" қолган ва узоқ йиллар давомида вужудга келган экологик муаммоларни бугунги кунда фақат давлатнинг бу соҳага масъул органлари кучи билангина ҳал этиб бўлмайди, албатта. Зеро, экологик соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва қўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этиш барча-барчамизнинг жипис сайй-ҳаракатимизни талаб этади. Юртбошимиз томонидан эътироф этилганидек, "Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда"...

Президентимиз Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўша мажлисида тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини оширишга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш фурсати етганлиги ҳам қайд этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз экологик ҳаётида тобора муносиб ўрин эгаллаб, атроф-муҳит муҳофазасида иштироки кўчаиб бораётган жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг экологик назоратни амалга ошириши мазкур қонуннинг асосини ташкил этишини таъкидлаш ўринали.

Ҳозир экологик соҳада қўлланилаётган 30 га яқин қонунлар таҳлилига кўра, уларнинг кўпчилигида асосан давлат ва идоравий экологик назорат юзасидан нормалар белгиланган. Айрим қонунларда жамоат назорати ҳақида нормалар бўлса-да, бироқ бу назоратнинг турлари ва амалга ошириш усуллари (механизми) белгилаб берилмаганлиги бундай нормаларнинг самарали ишлашига тўсқинлик қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг ваколатлари уларнинг уставларида белгилаб қўйилиши, 32-моддасида эса, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадиган, идоравий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология хизматларини ва экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби ушбу қонун ва мазкур хизматлар ҳамда жамоат назорати тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб борилади, деб белгиланган. Лекин, бир жамоат ташкилотининг уставида белгиланган вазифаларни бажариш бошқа ташкилотлар учун мажбурий эмаслиги, шунингдек, Қонунда аниқ белгиланмасдан ҳавола қилинган нормалар амалиётда Қонуннинг шу нормалари ишлашига монеликлари келтириб чиқаради.

"Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида радиациявий хавфсизлиқни таъминлаш соҳасидаги жамоат назорати нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан амалга оширилиши, "Чикиндилар тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида "...чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объекларининг санитария ва экологик ҳолати устидан жамоат назоратини амалга оширишда иштирок этиш" ҳуқуқларига эга эканликлари, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида "...фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилаётган, муҳофаза қилинаётган ҳамда улардан фойдаланилаётганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат экология экспертизасини ўтказишлари ва жамоат экология назоратини амалга оширишлари" мумкинлиги қафолатланган бўлса-да, лекин жамоат назорати ва жамоат экспертизасини амалга ошириш тартиби билан боғлиқ масалалар очик қолган.

Бундан ташқари, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Шунга ўхшаш нормани "Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасида ҳам учратиш мумкин. Бу иккала қонун нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда бевосита жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари доираси аниқ белгилаб берилмасдан, бошқа тегишли қонун ҳужжатларига ҳавола этилган.

Шу боис қабул қилинадиган "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунда асосий эътиборни жамоат экологик назоратини амалга ошириш усуллари бўлган "жамоат экологик мониторингини", "жамоат экологик экспертизаси" ва "жамоат экологик аудити"нинг объеклари ва субъектлари, амалга ошириш механизминини белгилаш зарур. Шунингдек, бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда самарали қўлланилаётган "жамоатчилик эшитиш" институтини қўллаш тартиби ҳам қонунда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий давлатларнинг экологик назорат соҳасидаги қонунчилиги ўрганилганда, Австралия, Канада ва Сингапур каби мамлакатларда "Экологик назорат ва бошқарув тўғрисида"ги қонунлар амал қилаётганлиги, бу қонунлар асосини давлат экологик назорати ва бошқаруви ташкил этиб, жамоат экологик назоратига кам эътибор берилган, чунки бу қонунларда Ўзбекистонда амал қилаётган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонундаги каби нормалар белгиланганлиги кузатилади. Шунингдек, экологик назорат Россия Федерациясининг "Экологик доктрина"сида, Қозғоғистон Республикасининг Экологик кодексиди ўз ифодасини топган. Россиянинг айрим субъектларида (масалан, Москва шаҳрида) "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун қабул қилинган, лекин бу қонун муниципал ҳаракатга эга бўлиб, фақат шу ҳудудга тааллуқлидир.

Бугунги кунда айнан давлат миқёсида бирор бир хорижий давлатда "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун қабул қилинмаганлиги, ўз навбатида, Ўзбекистонда жамоат экологик назорати масалаларига мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг энг долзарб йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Ўқтам ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинг институти умумий бўлим mudiri
(ЎЗА)

Ҳуқуқий маърифат

Мерос ва ворислик

бу борадаги

ҳуқуқий асослар

АҲОЛИНИНГ турли қатламлари ўртасида ҳуқуқий билимларни ўрганишга ва амалда қўллашга қизиқиш ортмоқда. Айтилик, бугун кишиларимизнинг мерос ҳуқуқи борасида ҳам мавжуд қонуний меъёрлар ҳақидаги тасаввурлари кенгайган.

НОТАРИАЛ идоралар томонидан расмийлаштирилган кўчмас мулкка оид олди-сотди, ҳада, айир-бошлаш шартномалари турларининг кўпайгани фуқароларимизнинг бу борадаги ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини кенгайтириб бераётганидан далолат беради. Мерос ҳуқуқини расмийлаштириш нотариал идораларнинг ваколатларига кирувчи муҳим вазифалардан бири саналади. Бу ўз навбатида нотариал идоралардан бу борада янада масъулиятли бўлишни талаб этади.

Мерос фуқаро вафот этган кунидан унга тегишли бўлган мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа шахсларга, яъни ворисларига ўтиши демакдир. Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ ворислик Фуқаролик кодексининг тегишли моддасига асосан икки хил тартибда — қонун бўйича ва васиятнома асосида вужудга келади. Қонун бўйича ворислик мулк эгаси ўзига тегишли бўлган ҳусусий мулк тақдирини васиятнома қолдириб ҳал қилмаган, яъни вафот этгандан кейин уни маълум бир шахс тасарруф қилишини белгиланган ҳолда вужудга келади. Васият бўйича ворислик тайинланганда мерос қолдирувчи ҳуқуқи ва мажбуриятларининг меросхўрлар ўртасида тақсимланиши ворисларни белгиланган тартиби фақатгина мерос қолдирувчининг ихтиёри билан амалга оширилади. Фуқаролик кодексининг белгиланган моддасига биноан мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчи ҳаёт бўлган пайтда, ҳомила пайтда ҳамда мерос очилгандан кейин туғилган болалар васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиши мумкин. Қонунчиликка кўра, кетма-кетлик асосида амал қилувчи бешта меросхўр тоифаси белгиланган бўлиб, улар навбат бўйича мерос ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Мерос қолдирувчининг авлодлари, фарзандликка олинганлар, қон-қариндош муносабати билан боғланган бошқа шахслар ҳам қонун бўйича меросхўр бўлишга ҳақли. Меросни қабул қилиб олиш бир томонлама битим бўлиб, меросга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрларнинг аризасига кўра олти ой ўтгандан кейин берилади. Мерос очилганда нотариус тегишли мол-мулк ёки бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлигини аниқласа, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасдан олдин берилиши мумкин. Фуқаролик кодексининг тегишли моддасига мувофиқ, меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини, бундан меросхўр ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш лозимлиги инобатга олиниб, Фуқаролик кодекси "Меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши" деб номланувчи 1140-модда билан тўдирилди.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда қонунчиликка киритилган ушбу ўзгаришларда фуқароларимизнинг манфаатлари, уларнинг тўлақонли ҳимояси назарда тутилган. Зеро, юртимизда инсон ҳуқуқи ва манфаатлари олий қадрият саналади.

Матлуба НЕГМАТОВА,
Каттақўрғон шаҳар 1-сонли
давлат нотариал идорасининг
катта нотариуси



ўрнидан туришга холи йўқлигини, ҳеч нарсани эслай олмаглигини аниқлади. Кока-кола "операцияси" унинг ҳаётига оғу солган, келажагини заҳарлаган эди... Созанда қиз ҳам шу ерда эди. Ундан нималар бўлган?

ҚОЗОН ҚОЛМАДИ

хоҳламаганди, лекин...

5 нини сўради. Созанда қиз бир вақтлар алдаб, гўлдек умрини ҳазон қилган Муслимни лаънатлади, унинг айбдорлигини айтди. Қизни тўзочқа туширган тақсими аёл ва унинг гўшталари уйда йўқлигидан фойдаланиб, ме-нинг бошимга тушган савдолар сенинг ҳам бошимга тушмасин, деб уни Бухорога олиб кетди. Аммо Юл-

БУНДАН ЧАМАСИ 10 йиллар муқаддам ғарб давлатларига Афғонистондан етказиб берилаётган асал маҳсулотни Гиёҳвандлик қарши курашиш халқаро қўмитасининг эътиборини тортди. Бу маҳсулотни етказиб бериш, ғарчанд қонуний шартнома асосида амалга оширилаётган бўлса-да, текширув натижалари жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга солди: 100 граммли шиша банкаларининг ҳар бирига 5 граммдан (полиэтилен халтачага қадоқланган) "героин" моддаси яширилган. Бундан қарангки, идишларга ёпиштирилган "шифобахш асал" тўғрисидаги ёрлиқ не-не давлатларнинг божхона назоратларини доғда қолдирган ва ҳар гал узоқ муддатли "шартнома шартлари бажарилганда" 50 килограммдан героин моддаси асал банкаларда "сотувчилар"га бешикаст этиб борганди. Натижада шартнома ниқоби ортида иш кўрган жиний уюшма кўлга олиниб, йирик наркомафиянинг пайи қирқилди.

Гиёҳвандлик — иллат

Барвақт қариган йигит

ёхуд "оқ ажал"нинг хунук оқибатлари

ЎША КЕЗДА айрим оммавий ахборот воситалари "дунё микросида наркобизнес энди авж ололмайди", дея башорат қилганди. Афсуски, бу тахмин ўзини оқламади. Социологларнинг таъкидлашларича, эндиликда гиёҳвандлик воситаларини харид қилишга кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олиш, таълим олиш, ҳатто тиббий хизматдан фойдаланишга нисбатан кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Бозорда маҳсулот бўлса хари-дор, албатта, топилади, деган ақлданнинг магзини қақш мушкул эмас. Гиёҳвандлик воситаларини "бозор"га етказиб беришда ҳали-ҳамон қўшни Афғонистон жаҳонда етакчи ўрин тутди. Бироқ эндиликда бу оғуни сунъий усулда ишлаб чиқариш, айниса, Канада, Колумбия сингари мамлакатларда авж олиб кетди.

Ишончли манбаларда қайд этилишича, дунё микросида 200 миллиондан ортиқ киши турли гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилади. Уларнинг 140 миллион нафари марижуана, 13 миллион киши кокаин, 8 миллион киши героин, 30 миллиондан ортиги эса амфетамин туркумига кирувчи стимуляторларни қабул қилишга муқасидан кетган. БМТнинг гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича Дастури томонидан тақдим этилган статистикага кўра, ҳар йили дунё аҳолисининг 4,1 фоизгача қисми оқ ажалнинг чиркин домига илинади. Гиёҳвандликка чалинганларнинг атиги 3 фоизи бу иллатдан батамом қутулишга муваффақ бўлиши мумкин. 97 фоизи эса шу дард жабрини чекишга маҳкум.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг таъкидлашича, жаҳон микросида расман рўйхатга олинган гиёҳвандлар сон 48 миллиондан ортиб кетди, уларнинг 70 фоизи ёшлар ташкил этиди.

Ўзбекистон Республикасида наркотик моддаларни сурункали истеъмол қилувчи шахслар ҳам, бир марта бўлса-да, татиб кўрганлар, афсуски, йўқ эмас. Соғлиқни сақлаш ташкилотла-



ри томонидан уларни рўйхатга олиш ва ўз вақтида даволаш ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу боисдан ҳам соғлом турмуш тарзига му-лақо зид бўлган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 январдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Жиноят кодексининг 270-276-моддалари асосида тартибга солинад. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан гиёҳвандлик воситаларининг но-қонуний муомаласига қарши изчил кураш олиб борилаётганига қарамай, айланма йўллар орқали бу оғуни республикамиз

ҳудудига олиб киришга урина-ётганлар, афсуски, ҳамон уч-раб турибди. Мўмай даромад орттириш илнжидидаги бу бад-ният кимсалар ўз маҳсулотини сотиш учун минг мақомга йўрғалайди ва надоматлар бўлин-ки, аксарият ҳолларда бунинг уддасидан чиқади.

Оғуфурушларнинг қурбони-га айланганлар, умуман ол-ганда, гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари ҳусусида муфас-салроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Республика нарко-

кич 600 нафарни ташкил этган, очиги, жамоадорларимизни мамнун этди. Республикада наркобизнесга қарши қатъий кураш олиб борилаётгани бу ил-латнинг кескин камайишига са-баб бўлмоқда.

Марказда яратилган шарт-шароитлар билан таниша туриб, беморларни соғлом турмуш тар-зига қайтариш йўлида қилинган саъй-ҳаракатларга беихтиёр та-санно айтгимиз келди.

— Кўпчилик, ҳатто оила аъзоларим ҳам мени одам қато-рига қўшмай қўйишганди, — дейди Рустам исмли бемор. — Даволана бошлагач, истеъдо-димни хор қилиб, ўз умримни ҳазон қилаётганимни англаб ет-дим. Даволаниб бўлгач, турмуш тарзимни бутунлай ўзгартирмоқ-чиман. Бу ердаги шифокорлар-нинг муомаласи, муолажаси шундай тўхтамга келишимга туртки бўлди.

— 32 ёшдаман, лекин кўпчи-лик менга камида 45 ёш бера-ди, — дейди Носир исмли бе-мор. — "Нинага ўтириб" қолгач, шундай қаримсиқ кўринишга кирдим, қолаверса, жигарим ҳам ишдан чиққан. Биргина "наркота" шунча оқибатлар кел-тириб чиқаришига ақл бовар қилмайди...

Дарвоқе, гиёҳвандлик қандай оқибатлар келтириб чиқаради? Бу тўғрда мутахассис шифокор Жўра Тоиров куйдагиларни баён қилди:

— Гиёҳвандлик опий гиёҳ-вандлиги, кокаиномания, банги-лик сингари турларга бўлинса-да, буларнинг барчаси руҳий ва жисмоний тобеликни келтириб чиқаради. Аксарият ҳолларда гиёҳвандлик воситалари руҳий тобеликни юзага келтиради. Яъни, бемор руҳиятида "бу мод-дани истеъмол қилмасам, яшол-майман", деган фикр пайдо бўлади. Орадан 2-3 ҳафта ўтар-ўтмас, беморда жисмоний қарамлик бошланади. Бунда ҳу-мор пайтида наркотик модда қабул қилинмаса, бемор жис-моний оғриқлардан азият чека-ди. Барча гиёҳвандларда ички аъзолар хасталиклари ривожла-нади, уйқусизлик, қон босими кўтарилиши, томир тортишиши, юрак-қон томир касалликлари авж олади. Гиёҳвандлик воси-талари марказий асаб тизими-ни ишдан чиқаради, бемор ру-ҳиятида тажовузорликни кучай-тиради. Ўз-ўзидан бу бемор ижтимоий ҳавфи шахсга айла-нади. Бу ҳам етмагандек, пала-партиш муносабатлар туфайли гиёҳвандлар ОИТО инфекцияси-нинг асосий ташувчиси ва тар-қатувчиси бўлиб қолади. Шу бо-исдан ҳам бундай беморларни даволаш чоғида нафақат шифо-корлар, айнаи чоғда психолог-лар ҳам иштирок этадилар.

Ҳа, гиёҳвандликка ружу қўйиш кишини жисмоний, ру-ҳий ва маънавий изтиробга со-лади. Шунинг баробарида ке-лажак авлоднинг саломатлиги-га салбий таъсир кўрсатиб, но-гирон болалар туғилишига ҳам сабаб бўлади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг ижтимо-ий, иқтисодий ва маънавий не-гизига путур етказадиган гиёҳ-вандлик воситасининг қонунга хилоф муомаласига қарши ку-рашиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ташқари, вилоят Мехнат ва аҳолини ижтимоий мухофа-за қилиш бош божқармаси давлат меҳнат ҳуқуқ инспек-торининг 2011 йил 14 март-даги қарорига асосан коллеж директори Д.Муродовга нисба-тан Ўзбекистон Республи-каси МЖТКнинг 49-моддаси-га асосан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдо-рида жарима тайинланди. Чўзилган қарз узилди, қонун-бузарлар ўз жазосини олди.

Ихтиёр ҚЎЗИЕВ,
Навоий вилояти адлия
бошқармаси
масъул ходими

солишини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.

Ҳаёти бахтсизликка гаровга қўйилган қиз эса ҳали олдинда уни нималар кутаётганлигидан бехабар эди.

Елғонлар билан Ниҳийи Новгород шахрига олиб бо-рилган Наргиза Қўдратова бу ерда Ю.Раҳматованинг синглиси Қундуз Жўраеванинг қулига айланди. Турли қурилишларда турли ишларни бажарган Наргиза ал-дангани камлик қилгандек, меҳнат ҳақини ҳам ололма-ди. Фуқаролик паспортини олиб, ойликларининг Юл-дуз опамга бериб юбордим, отанга етказадим, деган ёлғонларга чидаб ишладим. У ишлаб топган пуллар ас-лида отасига эмас, Қундузнинг ўзига қолганлигини бил-гач, баттар алам қилди. Бу ҳам етмагандек, фуқаро-лик паспортини яшириб қўйганлиги оқибатида ҳуқуқ-тартибот идоралари қўлига тушиб, уч марта қамаб қўйил-гани, уни пул бериб чиқариб олган Қундуздан яна қара-дор бўлиб қолганлигини эшитгач эса, сабр қосаси тўлди. Ота-онасига қулқол солмай, ўз уйини ташлаб ўзга юрт-ларда ўзгалар қўлида ўйинчоқ бўлиб юрган "қул"нинг боши ғавақдан қимчай қолди.

Еб-ичишга зўрга тўрт танга бераётган бу фирибгар-ларнинг тузоғидан қандай чиқиб кетиш йўлларини қидирди. Россия Федерациясида ишга борган ўзбек йигитларини учратиб қолди, улар орқали паспортти ким-нинг қўлида эканлигини билди ва улардан ёрдам сўра-ди. Паспорти ва уйга қайтиш учун чипта пулини ҳам йигитлар топиб беришди.

Наргиза бир вақтлар ўз уйдан қочиб кетган эди,

Фаолият

Зарарлар тўлиқ ундирилди

савдо қоидаларига риоя

этиш таъминланди

ТАДБИРКОРЛИК субъектларига сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган бир қатор имтиёз ва қулай-ликларга қарамай, айрим тадбиркорлик субъектлари орасида қонунларни ўз манфаатлари йўлида хизмат қилдиришга уринаётган "уддабурон" ишбилармонлар ҳам учраб турибди. Қуйидаги мисоллар фикримизга аққол далил бўла олади.

БУХОРО ВИЛОЯТИ Давлат солиқ бошқар-маси томонидан ўтказилган тадбирлар нати-жасида Бухоро шаҳар "Дилқушо" деҳқон бозо-ри ҳудудида фаолият юритаётган яқка тар-тибдаги тадбиркор Сайфулло Бобоев томо-нидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбеки-стон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқ-лаш тўғрисида"ги қарори талабларига зид равишда ҳеч қандай ҳужжатларсиз умумий ба-ҳоси 11 миллион 528 минг 200 сўм бўлган 1887 донга турли маҳсус елим идишларда қадоқланган пахта ёғи, шунингдек, 360 донга совун сотиш мақсадида савдо дўкони ва ом-борхонасида сақлаб келаётганини аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан С.Бобоевга нисба-тан Жиноят кодексининг 189-моддаси, 2-қисми билан жиноят иш қўзғатилди ҳамда жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Рес-публикаси Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Шунингдек, Бухоро шаҳридаги "Марка-зий" ва "Дилқушо" деҳқон бозорларида Ўзбе-кистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 27 декабрдаги "Бозорлар, савдо комплек-слари ва уларнинг филиалларида бир мар-талик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таш-кил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида-ги"ги қарори талабларининг бажарилиши бўйича ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш нати-жасида "Марказий" деҳқон бозори МЧЖ на-зоратчиси Зоҳид Орипов томонидан 11 мил-лион 212 минг 500 сўм ҳамда "Дилқушо" деҳ-қон бозори МЧЖ иқтисодчиси лавозимида ишловчи Розия Ашурова томонидан 2 мил-лион 88 минг сўмлик ер ижара тўловлари нақд пул шаклида ундирилиб, банк муасса-сасига топширмасдан ўзлаштириш ҳолатла-ри аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича айбдор-ларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-мод-даси билан жиноят ишлари қўзғатилиб, су-риштирув давомида давлатга етказилган жами 13 миллион 300 минг 500 сўм миқдо-ридаги зарар бюджетта тўлиқ ундирилди.

Халқимизда "Қингир ишининг қийғи чи-қади" деган мақол бор. Чиндан ҳам ғараз мақсадларда қилинган ҳар қандай қингир иш жазосиз қолмайди. Ишбилармонлик эса ҳеч кимга, ҳеч қачон қонунлари менсимаслик ҳуқуқини бермайди.

Зулфия ХАЛИЛОВА,
Бухоро вилояти ДСБ Ахборот
хизмати ходими



энди эса ўз уйига қочиб келди. Саёқ юрган — таёқ ейишни ўз ҳаёти мисолида қўрди. Аммо улардан қочиб ҳам қутулолмади. "Барибир қочибсан-да, Ўзбекистонда тилингни тийиб юр, қўрганларингни ҳеч кимга айта қўрма, акс ҳолда ҳаммангни йўқотиб юбораман" деган қўнғироклардан, пўпасчалардан чарчади. Ёпиғлик қозон ёпиғилигича қолмади... очилди...

Ёмонга ёндашган қишлоқ қизининг боши деворга тегиб, кўзи очилди. Ўз юртини ташлаб кетганларнинг қисмати қандай бўлишини ўз ҳаёти мисолида қўрди. Бу воқеа гулбоғликлари ҳам ўйлантириб қўйди, эътибор-сизлик қилганлари учун ота-оналар, маҳалла фаоллари мулазм бўлишди. Ўртбошимизнинг ёшлар тақдирига қайғураётганлигининг моҳиятини англаб етишди. Ҳар бир коллеж битирувчиси, албатта, иш билан таъминла-нишига эришиш вазифасининг кўн тартибидидаги бирин-чи масалага айлантирилгани замирида миллат шайига доғ туширадиган, ўзбек қизлари қисмати кўн қила-диган бундай расолатларнинг, бу каби жиноятларнинг олдини олиш масаласига қаратилган қучли сўёсат ва катта ҳаракат мумкин.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Устаси фа-ранг Юлдуз Раҳматованинг "ишбилармонлик" саҳифа-сига ҳам жиноят ишлари бўйича Қизилтепа тумани суди нукта қўйди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Ёруғ хиёбон

Данте — юрист
МуқаддимаАкмал САИДОВ,
юридик фанлар
доктори, профессор

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ ва адабиёт учун шундай умумий соҳа борки, унда бадий идрок, турли воқеалар жалб этилганлигига қарамайдан, бир нарс билан машғул — бу рамзлар ҳаётидир. Уни, ахтирол, яхлит — адабиёт ва юриспруденция, образ ва тушуна, бир-бирига қарама-қарши бўлган жараён сифатида қўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолда айрим шох асарлар — улар орасида “Илоҳий комедия” ҳам — асрлар ўтиши билан сўнмаган қудратли тафаккур зиёси манбаси вази-фасини ўташи тушунарлироқдир. Гап шундаки, ҳуқуқ тарихчилари ўз тадқиқот мақсадларига аниқлик киритар эканлар, руҳий ҳис-сийлар мужмусидан “ғоя”ни ажратиб олишдан иборат одатий усулга амал қиладилар. Қўп ҳол-ларда бунинг натижасида риво-ятда ҳам, адабиётда ҳам, ахло-қий ҳатти-ҳаракатларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўладиган ҳодисаларга алоқаси бўлмаган оқиз тасаввурлар тугилади.

“Илоҳий комедия”нинг ўзига хослиги шундаки, у тескари жа-раёни намоён қилади: XIII аср охирида (ёки Италияда 1200-йилларни “дученто” деб аташ-ганидек) қотиб қоладиган мав-ҳум чизмалар Данте томонидан ўзини маданият сифатида ан-глай бошлаган бирламчи оқими-га қайтарилган ва дафъатан ўз кучи манбасини топиб, силри пардасини кўтарган.

(Боши ўтган сонда)

“Илоҳий комедия” Дантенинг энг йирик шох асари ва унинг адабий ижоди чўқисидир. У уч қисм (“Дўзах”, “Аъроф”, “Жан-нат”) ва 14 233 шеърли мисра-ни мужассамлаштирган юзта қўшиқдан иборат. “Илоҳий ко-медия” ўрта асрларнинг Европа маданиятини ривожлантиришга салмоқли таъсир кўрсатган ше-рий қомусдир. У ўрта асрлар маданиятининг ўзига хос син-тези сифатида бу давр учун яқу-ловчи асар ҳам ҳисобланади.

Дантенинг ҳуқуқий дунёқара-шини идрок этишга яқинлашиш учун уч шартга риоя этиш та-лаб этилади, деган фикрдамиз. **Биринчидан**, Данте маъно ва мақсадни ифода этишга ҳа-ракат қилган давр умумжа-хон тарихий занжирда фақат ҳалқагина бўлиб қолмасдан, ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос кўриниши, яъни, мумтоз Рим ҳуқуқӣ реленсиясини илгари сурган, деб ҳисоблаш лозим.

Иккинчидан, “Илоҳий ко-медия”га ноёб бадий-ҳуқуқий ва фалсафий тафаккур синтези си-фатида алоҳида эътибор қара-тиш керак.

Учинчидан, биз Дантенинг ҳуқуқий тафаккурини яхлит ва тўла тасаввур этишимиз, яъни, биз “замонавийлик”ни қиритиш-ни хоҳлаганларни эмас, балки унинг ўзи бизга тақлиф этаёт-ганини қабул қилишимиз зарур.

Бунда, агар биз қайта идрок этиш вази-фасини четлашсак ҳам, шоир ижодини янгича ан-лаш мумкинроқдир. Биз Данте асарларининг матнига олти юз йил давомида тўплаган қолган, лекин инсониятнинг XXI аср та-рихий тажрибасига дахлдор

бўлган, уни талқин этишининг беҳисоб мисолларидан беҳабар бўлган замонавий китобхоннинг табии саволлари билан ёнда-шадиган бўлсак, йўлнинг, ма-салан, бурилишга бўлган қис-мини кўриш мумкин бўлмаган-идек, аввал ҳеч ҳам англаш мумкин бўлмаган нарсаларни пайкамаймиз. Бундай манзара Данте “Янги ҳаёт”ининг сўнгги сонетиди “янги идрок” (“*intelligenza nova*”) деб ата-ган: схоластиклар “зиёлилар” деб атаган. Арши аълода фа-ришталар ўртасида ўз ўрнини эгаллашга шошилётган, мушо-ҳада ва изтироблардан шаф-фофлашган янги руҳидир.

Шундай қилиб, биз олдимиз-га қўйган вазифа ниятда кам-тарона бўлганда ҳам ўзимизда ва классик адибларни аъна-вий идрок этишимизда ўзгариш-лар рўй беришига тайёр тури-шимиз керак. Мумтоз асарлар-да кўҳналик ва навоқронлик сий-молари таажжубланарли тарзда уйғунлашади. Аслини олганда, бу классик асарларнинг асосий белгиларидан биридир. Адабиёт ва юриспруденциянинг “кичик” ижодлари бир марта ўқилганда, бир сиймода мужассамлашган-дек туюлади. Буюк асарлар эса, ҳар бир авлод томонидан қай-тадан мутлолаа этилади, янги-дан тўғилади, янгидан кашф эти-лади. Хусусан, агар биз шунча-ки Дантени янгича ўқишга ҳара-кат қилсак, тарихий ёндашувга ҳиёнат қилмаймиз. Агар биз и-дрок этишнинг у ёки бу даража-сига кўтарила оласак, янгилани-кашф этишимиз мумкинроқдир.

(Давоми бор)

ФАХРИДДИН ака узонини яқин қилиш учун янги машина сотиб олишга олди-ю, лекин уни ҳай-дашга келганда кўзининг хираллиги панд бера бошлади. Жинни Маҳмуднинг машинага ишқибозли-гини билиб, унга маслаҳат солди: — Ҳозирча шу машинани сенга ишончнома орқали расмийлашти-риб берсам нима дейсан? Ўзгори-юмушларига ҳам қарашиб турсан.

АНЧАДАН БЕРИ амакисининг ма-шинасига ҳавас қилиб юрган Маҳ-муд учун бу тақлиф аини муддао бўлди. Фахриддин акага бир қанча қуюқ ваъдалар бериб, унинг кўнгли-ни хотиржам қилди. Амаки-жиян гап-ни бир жойга қўйгач, ўзлари яшаб турган туман нотариал идорасига келишиб, муддаоларини билдириш-ди. Нотариал идора ходими уларга автотраспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмий-лаштириш учун керакли бўлган ҳуж-жатлар рўйхатини тақдим этишди. Бу ҳужжатларни йиғишда Маҳмуд алоҳида жонбозлик кўрсатди. — Мана, ишончнома тайёр, — деди нотариус қисқа муддатли расмий-чиликдан сўнг — ўн кунлик муддат

Ҳуқуқий сабоқ

Ишончнома оқланмади

ичида албатта, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органига бо-риб учрашинлар.

— Амаки, сиз ортиқ ўзингизни уринтирманг. Асосий иш битди. Қолгани майда-чуйда расмийчилик холос, ўзим битказиб қўяман.

Афсуски, Маҳмуд билибми ё билмай майда-чуйда деб атаётган ҳолат, автотраспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришнинг қонунда белгиланган асосий тартибларидан бири саналади. Вазирлар Маҳка-масининг 2006 йил 5 мартдаги қарорига асосан, автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишонч-номалар ИИБга тегишли ДЙХХХ органларида 10 кун муддат ичида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши шарт бўлиб, мазкур та-

лабни бажармаслик қонун ҳужжат-ларига мувофиқ жавобгарликка тортилишга олиб келади. Қонун талабларига беэтиборлик билан қараган Маҳмуднинг ҳоли ҳам та-биийки, айнан шундай бўлди.

Асосийси, машина энди менинг қўлимда, қолгани билан ишим йўқ, деб ўйлаган масъулиятсиз жияннинг йўли қисқа тугади. Лекин энг ачи-нарлиси...

Маҳмуд янги Нексияни катта йўлда катта тезликда учуриб кела-ётганда ДЙХХХ ходими томонидан тўхтатилди. — Ишончномангиз ха-қиқий эмас, — деди милиция сер-жанти унинг ҳужжатларини кўздан кечириб — сабаби, мана ишонч-нома матни ва тасдиқ ёзувида кўрса-тиб қўйилганидек, тегишли муддат-да ДЙХХХ органи ҳисобига қўйил-

маган. Энди сизни тегишли жавоб-гарликка тортишга мажбурман.

...Уша қуни Маҳмуд амакисининг қўзига кўринишдан уялиб, шом туш-ганда яширинча уйга кириб келди. — Бизни хавотирга қўйиб, қаерлар-да юрибсан ўғлим, — деди отаси хов-лиқиб. — Катта амманг қазо қилиб-ди, тезда қишлоққа етиб бориши-миз керак. Сени қўтиб ўтирган адик.

Ўзининг ёнги хатти-ҳаракати оқибатидан қаттиқ хижолат чекаёт-ган Маҳмуд бу нохуш хабардан бат-тар изтироб чекиб, бошини ҳам қилди. Шунинг айтсалар керак-да “Но-қонуний иш, келтирар ташвиш” деб.

Гулнора ПАРПИЕВА,
Олмалиқ шаҳар давлат
нотариал идорасининг
катта нотариуси

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 12 сентябрдаги 213-ум-сонли буйруғига асосан БН 000151-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия-га эга бўлган “BUXORO ADOLATI PLUS” адво-катлик фирмаси адвокат Кималов Махсуд Джа-маловичнинг адвокатлик фаолияти билан шу-ғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макони тикланиди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 6 сентябрдаги 207-ум-сонли буйру-ғига асосан 2009 йил 21 майда берилган БН 000091-сонли адвокатлик фаолияти билан шу-ғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган “Адолат мезони” адвокатлик фирмаси адвокати Юлдашев Мустафо Ааматовичнинг ад-вокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва ад-вокатлик макони тугатилди.

Сирдарё вилояти адлия бошқар-маси жамоаси Ширин шаҳар дав-лат нотариал идораси нотариусини Рисали АБДУРАХМОНОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муноса-бати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳуқуқ ҳамдардлик билдиради.

Савол-жавоб

Вакил орқали тузилмайди

— **НОТАРИАЛ тасдиқланган васиятномаларга тенглашти-рилган васиятномалар ҳақида тушунча берсангиз?**

Қодир ота ПРИМКУЛОВ,
Зомин тумани.

— ФУКАРОНИНГ ўзига тегиш-ли мол-мулкни ёки бу мол-мулк-ка нисбатан ҳуқуқини вафот эт-ган тақдирда тасарруф этиш ҳу-сусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васият-нома шахсан тузилади, вакили орқали тузилишига йўл қўйил-майди. Фуқаролик кодексининг 1126-моддасига биноан қуйида-ги васиятномалар нотариал тас-

дикланган васиятномаларга тенг-лаштирилади:

Касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директор-лари ёки бош врачлари томони-дан тасдиқланган васиятномалари; Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

Иқтисодиёт ривожига камарбаста

“Ўзсаноатқурилишбанк” мамлакат молия

бозорининг етакчи тижорат банкларида бири

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” юртимиз келажагига дахлдор йирик инвестици-вий лойиҳаларни молиялаштириш, нефть-газ, кимё саноати, энергетика, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхона-ларига молия-кредит хизматларини кўрсатиш, банкорт корхоналарни соқла-лаштириш дейсизми ёки аҳолини иқти-моий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантиришми, аҳолига турли банк чакана хизматларини қўрсатишга доир, ҳуллас, барча соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Банк ўзининг мамлакатимиз бўйлаб 43 та филиали, 90 га яқин минибанки, 170 га яқин жа-мғарма кассаси, 300 га яқин махсус касса ва валюта айир-бошлаш шохобчалари, 4500 га яқин тўлов терминаллари орқали республикамиз аҳолисига 50 га яқин аънавий ва замона-вий банк хизматлари кўрсатиб ке-лаётир.

Жумладан:

- **Омонатлар хизмати;** 35 га яқин турли хил миллий ва хорижий валютладаги омонат турлари бўйича аҳоли омонатла-ри қабул қилинади.

- **Халқаро VISA пластик карточкалари хизмати;** “Visa electron”, “Visa classic Gold”, “Visa picture card”, “Visa business” пластик карточкалари хизмати тақдим этилади.

- **Халқаро пул ўтказма-лари хизмати;**

“Western Union”, “Золотая корона”, “Ми-гом, Контакт”, “Юнистрим”, “Лидер”, “Близко”, “Интерэкспресс” ва “Ўзбекис-тон экспресс” каби 10 га яқин пул ўтказ-малари тизими орқали хизматлар кўрса-тилади.

- **Коммунал тўловларини қабул қилиш хизмати;**

Электр ва иссиқлик энергияси, таби-ий газ, сув, ер, телефон тармоғи каби коммунал хизматлар учун ҳамда барча уяли алоқа компаниялари ва интернет провайдерлар хизматлари учун тўловлар қабул қилинади.

- **Индивидуал банк сейф қутича-лари хизмати;**

Бунда мижоз банк филиалларида жо-рий этилган махсус хоналардаги сейф қутичаларида ўз қимматликларини сақ-лаши мумкин.

- **Жисмоний шахслар учун истеъ-молат кредити хизмати;** Ўзбекистонда ишлаб чиқариш истеъ-молат товарлари учун (мебель, электрон маиший техникалари, қурилиш матери-аллари ва ҳоказо) кредит берилади. Ёш оилалар учун қайта молиялаш ставкаси миқдориди.

- **Ипотека кредити хизмати;** Яқна тартибда уй-жой қурилиши ва реконструкция қилиш ҳамда қўп кварти-

лар банк пластик карточкалари орқали турли харидларни, тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда “Ўзсаноатқу-рилишбанк” томонидан жисмоний шахсларга янги замонавий банк хизмат турлари ҳам тақдим этил-моқда. Булар сирасига қуйидагилар киради:

- “SMS — Banking” хизмати;

Мижоз уяли алоқа телефони орқали ўз ҳисоб рақами ҳаракатлишини кузатиб бори-ши мумкин.

- “Инфокиоск” хизмати;

Автоматлаштирилган тизим орқали кеча-кундуз тўхтовсиз аҳолидан ком-мунал, уяли алоқа ва интернет хиз-матлари учун тўловлар қабул қилиди-ган информатсион терминаллар.

- **On-Line уй банки тизими хиз-мати;**

“Ўзсаноатқурилишбанк” VISA пластик карточкаларига эга жисмоний шахслар учун банк сайти орқали ўз ҳисоб ра-қамларини бошқариш имконини берув-чи — “мижоз уй банки” тизими хизмати.

- **Жисмоний шахслар учун “ИН-ТЕРНЕТ-БАНКИНГ”;**

Шунингдек, ҳозирги кунда банк то-монидан жисмоний шахслар учун банк корпоратив сайти орқали “ИНТЕРНЕТ-БАНКИНГ” хизмати тизими ишга ту-шиши жараёнида бўлиб, мазкур хиз-мат орқали мижоз ўз ҳисоб рақамини тўлиқ бошқариш имконига эга бўлади ва ўз ҳисобидида қолдиқ суммаларни кўриш, амалга оширилган тўловларни ва ечилган пуллари кузатиш ҳамда коммунал, уяли алоқа ва интернет хиз-матлари учун тўловларни амалга оши-риш имконига эга бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳақи-хануз давом этаётган бир пайтда “Ўзсаноатқу-рилишбанк” юртимиздаги бир қатор тижорат банклари қаторида нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётган қувонарли. Гап шундаки, бир йилнинг ўзида жаҳоннинг икки энг нуфузли — “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентликлари “Ўзсаноатқурилишбанк” фаоли-ятини ижобий баҳолаб, уни ишончли ва барқ-арор молия муассасаси, деб эълон қилди.

Жорий йилнинг 8 ойида “Ўзсаноатқурилиш-банк” ОАТБ томонидан кичик бизнес субъект-ларига 200 миллиард сўмдан зиёд кредит маб-лағи ажратилиб, 4158 та иш ўрни яратилди.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири



ҲИСОБНИ ТЎЛДИРИНГ
ВА 50 МБ СОВҒА ОЛИНГ!
«БАХТЛИ КАРТА» АКЦИЯСИ

31 декабргача 10 000 сўмлик бахтли карточкани харид қилсангиз, 50 Мб Интернет-трафикка эга бўласиз.



бир қадам олдинда

Батафтиш: 0800 000 000 / (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09. www.mtc.uz / wap.mtc.uz
Тўловлар бўйича ЎзР Мажлиси тўлов ҳуқуқини курси бўлишга амалга оширишда. Нотариалда бирча солиқлар қилинган. Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўзсаноатқурилишбанк» компанияси томонидан тақдим этилади. Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАСССА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январияда
нашр этилган

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Мажлиси ва Ахборот
саноати
0001-рақам билан
рўйхатга олинон

ISSN 2020-7447
772010-740084

Бош
муҳаррир:
Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Мустафев Бўришом Мустафаянча
Ражабова Маяжуда Абдуллаева
Очилов Алижон Мухомиевич

Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алиқул Тошбекович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шоқир Қамолевич

Навбатчи:
Ёрбек
ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тўлқин
РАУПОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма №2728. Тиражи — 14194.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31.
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-lq.uz
Баҳоси қилинган нарқда

1 2 3 4 5